

БАЁНИ

“22” июнь 2020 йил

Қўқон шаҳри

Йиғилишни 51% акциялар пакети эгаси Қўқон шаҳар ҳокимлигининг ишончли вакили М.Маматхонов очиб, йиғилишда катнашаётган акциядорларни рўйхатга олиш, ҳамда кун олиш лозимлигини таъкидлаб, санок комиссиясига М.Якубжанова, М.Хошимова ва Х.Фармоновалар номзодларини сайлаш таклифи тушганлигини билдирди. Йиғилиш Санок комиссияси раиси М.Якубжанова рўйхатдан ўтган акциядорлар ҳақида ахборот бериб, санок комиссиясининг биринчи баёнини ўқиб эшиттирди, жумладан акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида 2020 йил 16 июнь ҳолатига бекитилган жамият акциядорларининг реестрига асосан жами 48797 дона оддий акциялар эгаларидан 26217 дона овоз берувчи оддий акциялар эгалари катнашаётгани ҳақида гапириб, йиғилиш қворуми 53.73 % ни ташкил этганлигини билдирди.

Йиғилишда қворум борлиги ҳамда умумий йиғилиш ваколатли эканлигини билдириб, йиғилиш ишчи президиумини ҳамда йиғилиш раиси ва котибини сайлаб олиш кераклигини билдирди.

Ишчи президиумига қуйидаги номзодлар сайландилар.

1. М.Маматхонов – Қўқон шаҳар ҳокимлиги бозорлар ва савдо департаменти бўлими бошлиғи
2. А.Рўзиев – Қўқон шаҳар ҳокимлиги етакчи мутахасиси.
3. У.Алимов – Қўқон шаҳар ҳокимлиги мутахасиси.
4. Б.Мавлонов – Қўқон шаҳар ҳокимлиги мутахасиси.
5. Ж.Мелибаев – Жамият бошқаруви раиси.

Йиғилиш раиси этиб, Қўқон шаҳар ҳокимлиги вакили М.Маматхонов;
котиби этиб – жамият қимматли қоғозлар мутахасиси – А.С.Алимов сайландилар.

ЙИҒИЛИШ КҮН ТАРТИБИ

1. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йил фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Жамият бошқарувининг 2019 йил фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти бўйича Аудитор ҳулосасини тасдиқлаш ҳамда 2020 йил учун аудитор ташкилотини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш.
4. Жамият тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2019 йилдаги бухгалтерия баланси, молиявий натижаларини, ҳамда олинган соф фойда тақсимотини тасдиқлаш.
6. Жамият бошқарув раисини сайлаш.
7. Жамият бошқаруви аъзоларини сайлаш.
8. Жамият кузатув кенгаши таркибини сайлаш.
9. Жамият тафтиш комиссияси таркибини сайлаш.
10. Жамиятнинг 2020 йилг учун тузилган бизнес-режаси ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 272 сонли “Қўқон ва Намангон шаҳарларида қурилган дехқон бозорлари савдо ва хизмат кўрсатиш объектларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тўғрисида”ги қарори ижросини бажариш мақсадида жамият устав фондини қўшимча акциялар чиқарилиш орқали ошириш.
12. Қўшимча акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш.
13. Устав капиталида Давлат улуши бўлган бозор ва савдо комплексларини замонавий кўринишга (экобозор шаклида) келтириш учун лойиҳа ташаббускорларини аниқлаш ҳамда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимотини ўтказиш ҳақидаги Ўзбекистон

Республикаси Президенти Администрацияси рахбарининг 2020 йил 12 май кунги 02-1533 сонли топшириги ижросини таъминлаш.

Кун тартибидagi 1- масала - Жамият кузатув кенгашининг 2019 йил фаолияти бўйича хисоботини тасдиқлаш юзасидан жамият кузатув кенгаши раиси Қўқон шаҳар ҳокимлиги ишончли вакили, Қўқон шаҳар ҳокимлиги М.Маматхонов сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгаши раиси Қўқон шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг хамда Вазирлар Маҳкамасининг бозорларга тааллуқли қарор ва фармонларини бажариш, бозорда сотувчи ва харидорларга етарлича шарт-шароитлар яратиш, бозор фаолиятини янада яхшилаш, аҳолини арзон ва сифатли кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида олиб борилган ишлар, ўтказилган йиғилишлар хамда ушбу йиғилишларда қўрилган масалалар, қабул қилинган қарорлар тўғрисида атрофлича ахборот берди.

Кун тартибидagi 2- масала - Жамият кузатув кенгаши раиси Қўқон шаҳар ҳокимлиги ишончли вакили, Қўқон шаҳар ҳокимлиги М.Маматхонов сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгаши раиси Қўқон шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.04.2010 йил “Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1326-сонли хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.08.2012 йил “Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 253-сонли қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиб, 2019 йил жамиятнинг молиявий фаолиятига доир хамда жамият томонидан бозор ва бозорга туташ ҳудудларда олиб борилган таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари хамда жамият томонидан қўрсатилган хомийликлар тўғрисида кенг қамровли тушунтириш берди.

Кун тартибидagi 3 – масала – Жамиятнинг 2019 йил фаолияти бўйича ташқи Аудитор ҳулосасини тасдиқлаш масаласи борасида сўзга жамият бош хисобчиси М.Насритдинова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йил молиявий хўжалик йилидаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқи билан 13.08.2009 йилда берилган АФ № 00716 – сонли лицензиясига эга “Аудит профессионал практик” аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви ўтказилгани хақида гапириб, аудиторлик ташкилотининг 20.05.2020 йил куни берилган аудиторлик текширув ҳулосасини ўқиб эшиттирди, хамда жамиятнинг 2020 йил молиявий хўжалик фаолиятини текшириш учун аудиторлик ташкилоти ва унга тўланадиган хизмат хақи миқдорини белгилаш юзасидан 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 13.08.2009 йилда берилган АФ № 00716 – сонли лицензиясига эга “Аудит профессионал практик” аудиторлик ташкилотини ва унга тўланадиган хизмат хақи миқдорини 4 миллион сўм миқдорида белгилаш таклифини киритди. Ушбу таклиф йиғилиш қатнашчилари томонидан маъқулланди.

Кун тартибидagi 4- масала – жамият тафтиш комиссиясининг хисоботини тасдиқлаш юзасидан жамият тафтиш комиссияси раиси Қўқон шаҳар ҳокимлигининг бош хисобчиси Ж.Набиев сўз олиб, жамиятнинг 2019 молиявий – хўжалик фаолияти бўйича жамият тафтиш комиссиясининг хисоботини ўқиб эшиттирди. Хисобот йиғилиш қатнашчилари томонидан тасдиқланди.

Кун тартибидagi 5 - масала – Жамиятнинг 2019 йилдаги бухгалтерия баланси, молиявий натижаларини хамда соф фойдани тақсимоти тасдиқлаш масаласи юзасидан жамият бош хисобчиси М.А.Насритдинова сўзга чиқиб, 2019 йил давомида жамият томонидан олинган жами даромадлар миқдори 1111 млн 474 минг сўмни ташкил қилгани, уларни турлари бўйича, қилинган сарф – харажатлар, Давлат бюджетига тўланган тўловлар, кредит ва унинг фойзалари тўловлари, коммунал хизматлар тўловлари хамда йил давомида таъмирлаш, бадий безаш, ободонлаштириш ва хомийлик ишларига сарф қилинган маблағлар 1065 млн 354 минг сўмни, олинган соф фойда эса 46 млн. 120минг сўмни ташкил қилгани тўғрисида атрофлича тушунтириш берди. Жамият кузатув кенгаши раиси М.Маматхонов сўзга чиқиб, 2019 йил якунлари бўйича олинган 46 млн.120 минг сўм соф фойдани Ўзбекистон Республикаси

инкирозга карши курашиш комиссиясининг 2020 йил 11 майдаги "Давлат бюджетига дивидент ва ажратмаларни ўзтақишни ташкил этиш тўғрисида"ги 22-сонли йиғилиши (02/1-876 сон билан рўйхатга олинган) баёни қарорини бажариш мақсадида қўйидагича тақсимлаш таклифини киритди:

Дивидентларга – 85% - 39202.0 минг сўм;
Жамият захира фондига – 5 % -2306.0 минг сўм;
Бозорни ривожлантирига – 10% - 4612.0 минг сўм

Ушбу таклиф йиғилиш қатнашчилари томонидан маъқулланди.

Кун тартибидаги 6 - масала – Жамият бошқарув раисини сайлаш масаласи юзасидан, умумий йиғилишга раислик қилувчи М.Маматхонов сўзлаб, 2019 йил молиявий хўжалик йили давомида жамият бошқаруви раиси лавозимида ишлаган М.Игамбердиевни ўз аризасига биноан ишдан бўшаганлигини инобатга олиб, жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 07 апрелдаги йиғилиши қарорига асосан жамият бошқаруви раиси этиб, Мелибаев Жаҳонгир Адилевич тайинланганлиги ҳақида тушунтириш бериб, Мелибаев Жаҳонгир Адилевич номзодини жамият бошқарув раиси этиб сайлаш таклифини киритди. Ушбу таклиф йиғилиш қатнашчилари томонидан маъқулланди.

Кун тартибидаги 7 - масала – Жамият бошқарув аъзоларини сайлаш масаласи юзасидан, Қўқон шаҳар ҳокимлиги ишончли вакили М.Маматхонов сўзга чиқиб, жамият бошқаруви аъзолари таркибидаги бўлган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда қўйидаги таркибда тузилганлиги ҳақида тушунтириш бериб, уларни сайлаш таклифини киритди:

1.Жамшид Исанов- бошқарув раисининг ўринбосари.

2.Мастура Насритдинова – бош ҳисобчи.

3. Акрамжон Аҳмедов –хўжалик ишлари мудири;

4.Нодир Исақов – бош назоратчи.

Ушбу таклиф маъқулланди.

Кун тартибидаги 8 - масала – Жамият кузатув кенгаши таркибини сайлаш юзасидан Қўқон шаҳар ҳокимлиги ишончли вакили сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгаши таркибига янги номзодларни киритиш тўғрисида таклифлар бўлмаганлиги сабабли жамият кузатув кенгаши таркиби ўзгаришсиз қолгани ҳақида тушунтириш берар экан, уларни қайтадан сайлаш таклифини киритди.

1. Мухтор Маматхонов – Қўқон шаҳар ҳокимлиги бозорлар ва савдо департаменти бўлими бошлиғи.

2. Аскар Рўзиев - Қўқон шаҳар ҳокимлиги мутахассиси

3. Бунёд Мавлонов - Қўқон шаҳар ҳокимлиги мутахассиси

4. Улуғбек Алимов - Қўқон шаҳар ҳокимлиги мутахассиси

5. Илхом Тошбоев – Фарғона вилояти бозорлар ва савдо комплекслари уюшмаси етакчи мутахассиси.

Кун тартибидаги 9 - масала - Жамият тафтиш комиссияси таркибини сайлаш масаласи борасида жамият тафтиш комиссиясига янги номзодлар киритиш тўғрисидаги таклифлар бўлмаганлиги сабабли тафтиш комиссияси таркиби қўйидагича белгиланди:

1.Жамолхон Набиев –Қўқон шаҳар Ҳокимлиги бош ҳисобчиси.

2. Эминджон Мирзамўйдинов – Акциядор.

3. Абдумалик Болтабоев – Акциядор.

Кун тартибидаги 10 - масала – Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган бизнес-режаси ва харажатлар сметасини тасдиқлаш юзасидан умумий йиғилишга раислик қилувчи М.Маматхонов сўзлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679–сонли "Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга асосан давлат жамиятлари харажатларини мақбуллаштириш юзасидан уларнинг бизнес-режаларини танқидий кўриб чиқиш, тасдиқланган инвестиция дастурлари параметрларининг кузатув кенгашлари томонидан қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилишини, 2019 йил учун олинган ва 2020 йилда олинadиган соф фойда бўйича давлат улушига ҳисобланган дивидентларни тўлалигича Давлат бюджетига ўтказиш юзасидан тегишли чоралар кўриш белгиланганлиги ҳақида тушунтириш берар экан, юқоридагиларни инобатга олиб, жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган бизнес-режаси (даромадлар ва харажатлар сметаси) қайтадан кўриб чиқилиб, янги лойихаси тайёрлангани

хақида гапириб, ушбу янги лойихани тасдиқлаш таклифини киритди. Ушбу таклиф маъқулланди.

Кун тартибидagi 11 – масала – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 272-сонли “Қўкон ва Наманган шаҳарларида қурилган Дехқон бозорлари, қарори ижросини бажариш мақсадида жамият устав фондини қўшимча акциялар чиқариш орқали ошириш юзасидан, Қўкон шаҳар Ҳокимлиги ишончли вакили М.Маматхонов гапириб, ушбу қарорда Республика “Алоқабанк” томонидан қурилган 1380.0 млн сўмлик мулклар-павильонлар ва муҳандислик коммуникация объектларини Қўкон шаҳар “Дехқон бозори” акциядорлик жамияти устав фондига Давлат улуши сифатида киритиш кўрсатилгани хақида тушунтириш берар экан, ушбу масалани хал қилиш учун киритилаётган мол- мулкларни ҳамда номинал қиймати 1000 сўмлик жамият акцияларининг бир донасининг ҳозирги кунга бозор қийматини аниқлаш зарурлигини ва ушбу қийматлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши хақида гапириб, бугунги кунга баҳолаш ишлари ниҳоясига етмаганлиги сабабли акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириб қайтадан кўриб чиқиш лозимлиги хақида тушунтириш берди. Баҳолаш жараёнлари тугагандан сўнг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириб, ушбу масалани хал қилиш жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилсин. Ушбу таклиф маъқулланди.

Кун тартибидagi 12 – масала - Қўшимча акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш юзасидан ҳам М.Маматхонов сўзлаб, ушбу масалани хал қилиш жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириб, хал қилиш таклифини киритди.

Кун тартибидagi 13 – масала - Устав капиталида Давлат улуши бўлган бозор ва савдо комплексларини замонавий кўринишга (экобозор шаклида) келтириш учун лойиха ташаббускорларини аниқлаш ҳамда амалга ошириладиган инвестиция лойихалари тақдимотини ўтказиш хақидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2020 йил 12 май кунги 02-1533-сонли топшириғи ижросини таъминлаш юзасидан умумий йиғилишга раислик қилувчи М.Маматхонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ва савдо комплекслари фаолиятини янада такомиллаштириш ва улардаги Давлат иштирокини қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойихасида кўрсатилган Устав капиталида Давлат улуши бўлган бозор ва савдо комплексларини тоифаларга айлантириш, уларни замонавий кўринишга (экобозор шаклида) келтириш учун лойиха ташаббускорларини аниқлаш ҳамда амалга ошириладиган инвестиция лойихалари тақдимотини ўтказиш хақидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси раҳбарининг 2020 йил 12 майдаги №01-1533-сонли топшириғини бажариш мақсадида бозорга инвестор жалб қилган ҳолда экобозорга айлантириш лойихасини ишлаб чиқиш, уни шарт-шароитларини, қурилиш муддатларини белгилаш масалаларини хал қилиш лозимлиги хақида тушунтириш берди.

Сўзининг давомида инвестор сифатида жамият бошқарув раиси Ж.А.Мелибаевдан 2 млд.сўм миқдорида инвестиция киритиш, ҳамда икки йил мобайнида қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича таклиф тушганлигини билдириб ўтди. Йиғилиш аъзолари ушбу таклифни маъқулладилар.

КЎРИЛГАН МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ.

1. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йил фаолияти бўйича ҳисоботи - 100% овоз билан тасдиқлансин.
2. Жамият бошқарувининг 2019 йил фаолияти бўйича ҳисоботи – 100% овоз билан тасдиқлансин.
3. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси ҳамда жамиятнинг 2020 йил молиявий ҳўжалик фаолитини текшириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 13.08.2009 йилда берилган АФ № 00716 – сонли лицензиясига эга “Аудит профессионал практик” аудиторлик ташкилотини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини 4 миллион сўм қилиб белгилаш 100% овоз билан тасдиқлансин.

4. Жамият тафтиш комиссияси хисоботи 100 % овоз билан тасдиқлансин.
5. Жамиятнинг 2019 йилдаги бухгалтерия баланси, молиявий натижалари ҳамда 2019 йилда олинган 46120 минг сўм соф фойдани кўйида кўрсатилган тартибда тақсимлаш 100 % овоз билан тасдиқлансин.

Дивидентларга – 85%- 39202.0 минг сўм;
Жамият захира фондига – 5 % -2306.0 минг сўм;
Бозорни ривожлантирига – 10% - 4612.0 минг сўм

бошқаруви раиси этиб, Мелибаев Жаҳонгир Адилевич 100% овоз билан тасдиқлансин.

6. Жамият тасдиқлансин.

7. Жамият бошқарувининг аъзолари:

- Исанов Жамишид Одилевич- бошқарув раисининг ўринбосари;

- Насритдинова Мастура Ахмедовна – бош хисобчи;

- Ахмедов Акрам Адхамович-хўжалик ишлари мудир;

- Исаков Нодир Валиевич – бош назоратчилар 100 % овоз билан тасдиқлансин.

8. Жамият кузатув кенгаши таркибига:

- Мухтор Маматхонов – Қўқон шаҳар ҳокимлиги бозорлар ва савдо департаменти бўлими бошлиғи.

- Асқар Рўзиев - Қўқон шаҳар ҳокимлиги мутахасиси

- Бунёд Мавлонов - Қўқон шаҳар ҳокимлиги мутахасиси

- Улугбек Алимов - Қўқон шаҳар ҳокимлиги мутахасиси

- Илҳом Тошбоев – Фарғона вилояти бозорлар ва савдо комплекслари уюшмаси етакчи мутахасиси 100% овоз билан сайландилар деб хисоблансин.

9. Жамият тафтиш комиссияси таркибига:

- Жамолхон Набиев –Қўқон шаҳар Ҳокимлиги бош хисобчиси.

- Эминджон Мирзамўйдинов – Акциядор.

- Абдумалик Болтабоев – Акциядор 100 % овоз билан сайландилар деб хисоблансин.

10. Жамиятнинг 2020 йил учун мўлжалланган ҳамда жамият кузатув кенгаши томонидан қайта кўриб чиқилган янги бизнес режаси ва харажатлар сметаси 100% овоз билан тасдиқлансин.


11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 272- сонли “Қўқон ва Намангон шаҳарларида қурилган дехқон бозорлари савдо ва хизмат кўрсатиш объектларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тўғрисида”ги қарори ижросини бажариш мақсадида жамият устав фондини қўшимча акциялар чиқарилиш орқали ошириш масаласи баҳолаш ишлари якунига етгандан сўнг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириб, хал қилиш 100% овоз билан тасдиқлансин.

12. Қўшимча акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш масаласи баҳолаш ишлари якунига етгандан сўнг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириб, хал қилиш 100% овоз билан тасдиқлансин.

13. Устав капиталида Давлат улуши бўлган бозор ва савдо комплексларини замонавий кўринишга (экобозор шаклида) келтириш учун лойиҳа ташаббускорларини аниқлаш ҳамда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдиротини ўтказиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2020 йил 12 май кунги 02-1533 сонли топшириғи ижросини таъминлаш масаласи 100% овоз билан ижро учун қабул қилинсин.

Йиғилиш раиси:

Йиғилиш котиби:



М.Маматхонов
А.С.Алимов